


Коммунистик партия ва
совет ҳукуматининг раҳбар-
лари ўрток Ю. Цеденбални

Ўртоқ Ю. ЦЕДЕНБАЛ нутқи

АЪЛО СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ УЧУН

Ийлик байрами арафасида
ер ости поездлари дастлаб
ки йўловчиларни манзилла



НОРМАНИ ОРТИҒИ Б И Л А Н БАЖАРМОҚДАЛАР

Бекобод районидagi Нароий номли колхозда пахта терими қизғин давом этмоқда. Социалистик мусобақада М. Ҳўраев, М. Топбобоев бошлич бригадалар карвон-бошлик қилмоқдалар.

Колхозда теримчилардан 250 киши қўмингилло-граммчилар ҳаракатида қўшилиб, мавсумда 8—12 тоннадан пахта терим мажбуриятини олган. Айни кунларда улар ваъдага вафо қилиш учун ҳаракат қилиб, кунига 90—100 килограмдан пахта термоқдалар. М. Ҳўраев, М. Топбобоев, С. Турсункулова, Б. Эриқитова, С. Муродова каби чеварлар эса кунига 150—180 килограмдан пахта теришга эришмоқдалар.

Техника — дехқон қаноғи. 1570 гектар майдоннинг асосий қисмидаги пахта 28 та «зангори кема» билан терилляпти. О. Бекбўтаев, Ҳ. Уришев каби «пўлат от» чавалдоэлари унумли ишлашляптилар.

Далада меҳнат қилаётган пахтакорлар учун ахши шарт-шароит яратиб берилган. Иссиқ оқат тақияли этилган, болалар богчаси мунтазам ишлаб турибди. **К. РАҲМОНБЕРДИЕВ.**



Муяссар Абдуллаева бошлик бригада коллектив 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтариб, Чиноз районидagi К. Маркс номли колхозда биринчи қатори ҳалқ хўжалик планини бажарган эди. Ҳозир бригада ахли ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш учун курашмоқда.

М. Устабобоев фотоси.

ИХТИСОСЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Хўжаликни бoғдорчилик ва узумчиликка ихтисослаштириш йўлидан — бoраётган Юқори Чирчиқ районидagi Энгельс номли колхоз меҳнатчилари механизацияга таялиб ва агротехника қоидаларига амал қилиб ҳосилдорлигини тобора оширмоқдалар. Соҳибкорлар партияси XXV съезди қарорларига жавобан унинг чети йиллигининг дастлабки йилида гектаридан 70 центнердан мева, 86 центнердан узум етиштиришга ахду наймон қилинган эди. Белгиланган ана шу марра барвақт ағдаллади. Эл дастурхонига ҳозиргача пландаги 155 тонна ўринга 250 тонна сара мева, 980 тонна ўринга 1500 тоннадан зиёд сархил узум етказиб берилди.

Коммунист Маъруф Рўзиев, Файзбой Ризаевлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда йилгитерим жадал давом эталяпти. Бу бригадаларда ҳозиргача гектаридан 140—145 центнердан узум олинди. М. Рўзиевнинг бошлик бригадаларининг Умирбой Ҳайитов, Самадбой Саидов, Ҳамид Эргашевлар етакчи бўлган звенолари ҳосилдорлигини 45 центнерга етказиш учун курашляптилар.

сиддорлигини планга нисбатан икки бараварга етказдилар.

— Колхоз правленияси ва партия комитети бундан беш-олти йил муқаддам таъиний шароитини ва хўжаликнинг ихтисослаштирилиши, ихтисодий аҳолининг ҳисобга олиб, тоғ олак зоналаридagi лалмилор ерларини бoғ-роғларга айлантириш, шу йўл билан хўжаликни бoғдорчиликка ихтисослаштириш тадбирларини ишлаб чиққан ва амалга оширган эди, — дейди колхоз бoш агрономи А. Маннонов. — Бу тадбирлар ўз самарасини кўрсата бошлади. Ҳозир 440 гектар ердаги тоғзорнинг 176 гектаридан ҳосил оляпти. Ҳосилдорлигини оширишда ишлаб чиқаришнинг бошқарилишини зенонининг асосий ўтгавлигини ўзини оқлади. Звенoлар ўзaro мусобақалашиб, тоғларнинг сифатли кесиб-кўмиш, тоғзорларнинг тупроқ унумдорлигини ошириш ва мўл ҳосил етиштиришга боғлиқ ҳамма ишларни агротехника муқаддас бажарилаётганлиги ҳосилдорлик ошиб бoрмоқда.

М. ТУРСУНОВ.

„Оқ олтин“ жирмонида

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА
ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ
ЙИЛ 19 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Биринчи усту — районлар; иккинчи усту — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи усту — шу жумладан машинада; тўртинчи усту — мавсум бошидан бўйи терилган пахта; бешинчи усту — шу жумладан машинада.

(Планга нисбатан процент ҳисобиди)				
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0.13	0.10	120.74	142.14
КУНИ ЧИРЧИҚ	0.19	0.37	118.27	145.76
ЯНГИЎЛ	0.65	0.52	110.42	103.59
УРТА ЧИРЧИҚ	0.14		105.41	121.52
БҲКА	0.32	0.29	101.84	119.01
ЧИНОЗ	0.63	0.79	101.75	102.47
ОҚҚУРҒОН	0.32		100.34	115.92
Бекобод	1.13	1.01	93.15	97.06
Пискент	0.29	1.41	85.02	90.44

Область бўйича: 0.43 0.35 102.57 115.44

Дунё овози Чет эл хабарлари

СССР БИЛАН ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

БИСАУ, 18 октябрь. (ТАСС). Гвинея — Бисау Республикасида Гвинея — Бисау — СССР дўстлик жамияти тузилди. Мамлакат пойтахти Жаманада Гвинея ва Янги бурун ороллари мустиқлигини афғанистонлик партияси (ПАИГК) раҳбарлиги аъзолари иштирокида ўтган таъсис мажлиси шу тўғрисида қарор қабул қилди.

ПАИГК кураш олий кенгашининг аъзоси, халқ қу-

ролли Революцион куллари (ФАРП) сийёси комиссари Ж. Жолеп ди Карвалло Гвинея — Бисау доимий ёрдам ва мадад бериб келаятганлиги учун КПССга ва совет халқига миннатдорчилик изҳор қилди. У Улус Октябр социалистик революциясининг ва афғанистонда жаҳон революцион жараёнини ривожлантириш мақсадида КПСС билан Совет ҳукумати ўтказиб келаятган интернационал ташқи сийбат-

нинг тоғтада катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди.

ПАИГК кураш ижроия кенгашининг аъзоси, иқтисодий ривожлантириш ва планлаштириш давлат комиссияси Баско Кабрал Гвинея — Бисау халқларининг мустиқлигини афғанистонда Совет Иттифоқининг берган ёрдами хал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини уқтириб ўтди.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ЛОНДОН, 18 октябрь. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партиясининг Бош секретари Гордон Макленнан Ливерпульда сўзлаган нутқида қўйидагиларни айтди: Англия экономикаси олдида жиддий проблемалар турибди. Ҳукумат иқтисодий сийбатини тўбдан ўзгартирган тақдирдагина бу проблемаларни ҳал этиш мумкин.

Капиталининг чет элга чиқиб кетаятганлиги, ҳарбий харажатларнинг ҳаддан ташқари қўйидагиларни январи устунидан назорат қилишга асосланган деди Г. Макленнан, мамлакатнинг иқтисодий аҳолини тобора кўпроқ мушкуллаштириб юборади. 1965—1975 йиллар даврида Англиядаги ҳусусий компанияларнинг чет эллардаги инвестициялари беш баравардан зиёд ортиб, 368 миллион фунт стерлингдан 1 миллиард 937 миллион

фунт стерлингга етди. Шу давр ичда ҳарбий харажатлар 2 миллиард 127 миллиондан 5 миллиард 270 миллион фунт стерлингга кўпайди.

Иқтисодий сийбат, танқиди қарши кураш программасида белгилангандек, меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб амалга ошириш лозим. Буюк Британия Коммунистик партияси, деди инглиз коммунистларининг раҳбари, ана шу программани тасвия этган эди. Бу программа бошқа сўз кўчлар тасвия этаётган программаларга кўп жиҳатдан мос бўлиб ташляди.

Компартия, деди Г. Макленнан, иқтисодик қарши, социал эйтиёлар учун ажратиб бериладиган манфаатларни қисқартириш сийбатига қарши, ирқчилик қарши умумий миллий намоёнлар ўтказилишини ҳар томонлама қўллаб қувватляди.

СЕМИНАР ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

АНТАНАНАРИВУ, 19 октябрь. (ТАСС). Мадагаскар меҳнаткашлар касаба союзлари федерацияси (ФИСЕМА) раҳбарларининг семинари ўз ишини тамомлади. Семинар ишида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари В. П. Кузьмин бошчилигидаги совет касаба союзлари вакиллари қатнашди.

Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар семинар иштирокчиларига ишлаб чиқаришнинг планлаштириш ва бошқаришда касаба союзу-

ларнинг иштироки, маданий тарбиялий ишлар, партия билан касаба союзлари ўртасидаги муносабатларга оид масалалар юзасидан бир қанча лекциялар ўқидилар.

ФИСЕМА бoш секретари Разаканаву бундай деди: бу проблемалар ривожланишининг социалистик йўлга кирган ва ҳозирги вақтда мамлакат экономикасини ташқил этишининг йилу формаларини ишлаб чиқаётган Мадагаскар учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

НИКОЗИЯ, 18 октябрь. (ТАСС). Кипр президенти архиепископ Макариос аҳоли яшайдиган Палехори пунктида сўзлаган нутқида бундай деди: Кипр халқи мамлакатда руй берган вазиятга ҳеч қачон тоқат қилмайдиган ва содир бўлган фактларнинг томошабини бўлиб туриш сийбатини тан олмайдиган.

Биз деб, таъкидлади президент, Кипр проблемасини кипрлик турклар билан гича-тотув яшашни тасминлайдиган тарада ҳал этишга интилоқдамиз. Биз шу мақсадга эришмоқ учун жамонлар ўртасида олиб бoриладиган музокараларни яна бoшлаб йoрибгача тайёрийиз. Бу музокаралар ҳозир боши берк кўчага кириб қолган. Аммо биз, деди у, ана шу музокараларнинг таслим бўлишимиз шартлари тўғрисидаги музокарага айлантириб йoрибгача бўл қўймаймиз.

Президент Макариос қўйидагиларни уқтириб ўтди: проблемасини Кипр давлатининг мустиқлигини ва территорияда бутунлигини таҳдид этадиган ва кипрликларнинг миллий манфаатларига оид бўлган тарада ҳал этишга кипр халқи ҳеч қачон роз бўлмайдиган.

Биз, деди президент, ҳозирги вазиятга узоқ вақт кураш олиб бoриш сийбатига амал қилишга мажбуримиз. Бу кураш миллий манфаатларимизни тасминлайди. Халқнинг жанговарлик руҳини мустиқлашган учун шу нарса талаб этиляпти.

КОММУНИСТЛАР СЪЕЗДГА ТАЙЁРЛАНМОҚДАЛАР


ЛИССАБОН, 19 октябрь. (ТАСС). Португалия коммунистлар Португалия Коммунистик партиясининг шу йил ноябрь ойда бўладиган VIII съездида актив таъйирларлик кўрмоқдалар. Партия йилгиларининг «ПКП Марказий Комитети қабул қилган ПКП VIII съездида тезисларни ўрганишга ва ҳар томонлама муҳофиза қилишга киришди. Шу тезисларда Португалия халқи олиб бoраётган револю-

цион курашнинг тақриблани тўпланган. Компартиянинг ва мамлакатдаги барча прогрессив куллари келгуси вазифалари баён қилинган.

Коммунистлар йилгиларда сўзга чиқиб, ПКП Марказий Комитетининг муҳофизага қўйилган тезисларини батафсил анализ қилмоқдалар. Португалия меҳнаткашлари курашнинг коллектив тақрибланига асосланган ҳолда ўз тақриблани

партия кўрмоқдалар. Партия тақлилотлари тезисларнинг текстига ўзгартишлар ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни, Марказий Комитет ҳузурида тузилган тақлифларини октябрь ойи охиригача редакция комиссияга йoрибгача.

Тезисларни муҳофиза қилиш ва ўрганиш билан айни бир вақтда съездга делегатлар сайланмоқда. Ҳаммаси бўлиб бир мингдан ортиқ делегат сайланади.



ГДРдаги «ВЕМА» корхонасида тайёрланаётган, станокни Совет Иттифоқига олиб келиш учун 15 та темирйўл вагонини Даркор, Гигант машина йирини деталларга ишлов беришга муқаддасланган.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

Бўна районидagi Ямбўл номли колхознинг Дусанбой Тўлаганов бошлик бригадаси аъзолари колхозда биринчи бўлиб, халқ хўжалик планини бажарган эдилар.

Улар мавжуд 77 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 26 центнер ўринга 30 центнердан «оқ олтин» териб топиляпти. Йилгитерим 220 тонна пахтадан 200 тоннасини бригада механизатори Карим Попов «зангори кема» бундеридадн тўқиди.

Бу ғалабада бригаданинг Абдулла Мирзабoев, Тоштобеқ Нишонов каби колхозчилари ҳамда ҳозиргача 7—10 тоннадан ошириб пахта терган Тўлаганов, Тўлаганова ва Рўсхон Хайдарова сингари чевар теримчиларнинг ҳам ушшларига бор.

Айни кунларда бригада ааматлари гектаридан яна 5 центнердан ҳосил йилгитерим ниятида астойдил тер тўқинмоқда.

Ҳ. АСРОҚУЛОВ.

ЧОРВАЧИЛИК КОМПЛЕКСИДА

Қуни Чирчиқ районидagi Волков номли совхоз чорвачилик комплексидида 1900 боши қорамол, 5 мингта қўни парранда бoқилмоқда. Комплексида ҳамма иш механизацияга зиммасига юклятилан.

Бу йилги кўрсаткичлар ўтган йилгилардан бир мўлча юқори бўлмоқда. Давлат тўғит сийбатини планга алаҳқилоқ ошгит билан ало этилган. Молбoқлардан Илбас Абубакиров, Борис Перикельвич, Хамидулла Тиллабoевлар бoққан ҳар бир бурдоқнинг ўртача вази 450—500 килограмини ташқил қилди.

Илгор сўт соғувчилар қарамогидан ҳар бoш сизгирдан 3600—3900 янлограмдан сўт соғитишга ахд қилганлар. Фарида Анкулова, Хатиря Вильданова, Топилоҳ Қосимбoевлар шулар жумласидан. Улар шу кунгача ҳар бoш говмўшдан 2500 килограмдан олдн ошгир сўт соғдилар. Бундай ютуқларга молларни зоотехника қондалари асосида парварш қилиш натижасида эришилган.

М. АЗИМОВА.

ОЛТИН ХИРМОНЛАР

(УЧ ЛАВҲА)

Секретарь қиз бизнинг қайси колхозга шошляётганимиздан хабардор эди. Шунинг учун йўл-йўлак зарур иш билан қўниб, ўз хонасига кириб кетаятган район ижроия комитети раисининг муовини Умнат Мирзакуловни кўриб чехраси еришиб кетди. Бизни ёнига иллаб, аста шилшиди: «Омадалар колхозга бир оқан, Умнат ана ўша сиз айтган колхозга бoриктирилангандар. Ҳозир таллашиб кураман, балки бирга кетарсизлар.

Дарҳақиқат, Умнат Мирзакулов билан колхозга бирга кетдик. Хўжаликдagi йилгитеримнинг аҳволи ҳақидаги биринчи маълумотини ҳам биз ўша кишидан эшитдик.

Колхоз машина терими планини райоидида биринчи бўлиб бажарди, деди Умнат Мирзакулов. Ҳосилнинг 90 процентини бундеридадн тўқиди. Йилгитерим халқ хўжалик планини бажарган эдилар.

Зимэне тун. Унинг бахмал чодери шушчалар қўюқини, бир қадам варидаги одамни таниб олиш қийин. Гўё ҳамма-ҳамма жонлиқ қўни чирт юмиб олганди. Ўз уласини қўлдандн чиқариб йoрибгача қўриққан овчиди киши, огир сукутда.

Қалин тушган чағ бoсди салқин шабондан кимдир жукукуклими, бригадирга ёлборди:

— Абдукарим ана, озгина исиниб олмаймизми?

— Шу дамида гулхан ёқмоқчимисан? — деди бироз сукут сақлаб, хирмонга ёнибoшини бериб ётган бригадир. — Ана бир фалокатни бошлаб юрма ука. Ундан кўра бoғурга кел, ёнибoш.

— Абдукарим ана, — деди ҳазилга олиб бошқа бир йилгит, — эҳтиёт бўлинг-а, тагин пахтанинг ичига кириш ухлаб қолса, катта «тарозига» қўниб йoрибгача, — Сира тинчлик бермайдиганда унга, Абдусамд. Бироз миғизиб олса олибгиди.

— Абдукарим ана, шу тобада ҳам уйку кетармиди.

ПЎЛАТ ЭТАКЛАР БАРАКАСИ

ЎЗ агрегатини теримга барвақт шайлаб қўйган Турғунбой Турдиев бу кўни ортиқчига кутган эди. 21 сентябрь тоғида у пўлат этагини белга боғлади. Айнича, «пўлат отига ўтган йилгидан ропла-ропа беш кун аввал қамчи бoсаятганидан жуда-жуда қувонарди.

Коммунист механизатор колхозининг моҳир «пўлат от» чавалдоэлари Ҳасан Ҳўраев ва Собир Ҳумановлар билан бoш боғладилар. Ҳайрат, шижоат теримнинг биринчи кўнарилидақ сўр-атта қанот берди. Турғунбой ўз агрегати бундеридадн турна қатор телеккаларга ҳар кўни 11-12 тоннадан ошириб пахта бўшата бошляпти.

Колхоз йилгитерим планини бажарган ичогачи кўни раис Абдукарим Ҳўраев ва партком Абдусамд Умурақов ўртоқлар 3-бригада даласига келиб, уни 170 тонна пахта тергани ва учинчи бoш мусобақада голиб чиққан билан таъбирлан кетилди. Ҳозир ҳам унинг машинаси пештоқда голиблик ишoни — янмеп хиллаб турибди. Пешкадам механизаторнинг мусобақадoш дўстлари Собир Ҳуманов ва Ҳасан Ҳўра-

евлар эса, бу мукофотга икки марта сазовор бўлишди.

Турғунбой бригада илгор теримчисини Дилором Қўнимонова ва бешинчи бригадаси чевари Икляма Шайхоқовлар ҳар мавсум пахта даласига ана шундай соғинча ва беҳад севинч билан чиқилди. Бу соғинч, бу севинч уларнинг меҳнатдаги ғайрат ва шижоати билан йилда қамол топади. Олтин кўли пахтакор касби, шароф дoстонага айланади.

Унингкилотграммчи комсомол қизларини бу йилги орак ёлқини чакки эмас. Улар теримнинг дастлабки кўнарилидақ тапшаббўсга эга чиқиб олишди. Колхоз чевар теримчилар учун таъсис этган «Илгор теримчи» деган, қўлга боғлаб йoриладиган меҳнат шарафли белгисини биринчи бўлиб шу қизлар қўлга кириштирди.

Қалбда «оқ олтин» ишчи яшарган чеварлар шу кунгача элимиз хирмонида беш тоннага яқин дурдона териб тўқидилар. Уларнинг ахди мавсум охиригача 6 минг килограмдан пахта териб бoриб колхознинг 2680 тонналик улкан хирмонида ўз мунoсб ҳиссаларини қўнишди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,
Оққўрғон районидagi
Охунбoеве номли колхозчи.

ОРЗУҚУЛНИНГ ОРЗУСИ

1-«Пискент» совхозининг 4-бўлим комсомол ишлари звеносининг сардори Орузкул Токмобoев ўрта мактабни тугатган тўрт ойлик тракторчилар тайёрилав курсида ўқиди. Сўнг уни бўлимадаги колхоз звенолардан бирига бошлик қилиб тайинляди. Касбини севадигани, тиришқоқлиги туфайли Орузкул Токмобoев астойдил енг шимириб, коллектив билан биргаликда меҳнат қилди. Шу йил 40 гектар ердан 27,2 ўринга 32 центнердан дур ундириб олди.

Ўтган йили мавсумда Орузкул ўз «пўлат отига» 120 тонна пахта терди. Звенo ишларининг съездга йилгидagi ниятлар юксак. Улар 42 гектар майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришмоқчи. Далаларда мажбурийат яраша ҳосил бор. Еш механизатор Орузкулнинг орузи «Ўзбекистон» маркази машинаси билан 200 тонна дурдона териб бoриш.

Орузкул Токмобoев тақриблани ҳаммаси Ҳамза Зайинов билан мусобақалашиб ишлямоқда.

С. АҲМЕДОВ.

ЧАНОҚЛАРДАГИ оппоқ пахтакор олтин қушдан нур эмиляпти. Бoевон оғқ билан туташиб кетган сакхиди лалларининг четини кўз қилганди. «Зангори кема»лар ва подбoришчиларнинг бир мавсумда гуриллаш далага ўзгача тантанавор бир рўз бағиш эгит. Йилгитерим дундириб қўйган хўжалик пахтакорлари мажбурийат ҳисобига пахта сотмоқдалар.

— Ҳозир юздан зиёд терим машиналари ва 50 дан ортиқ подбoришчилар ишляпти, — дейди Ленин ордени «Ўзбекистон» ССР беш йиллик «Ўзбекистон» совхоз партия комитетининг секретари А. Ҳўракулов, — совхозимизнинг таърифи хўжалик дейилиши бoш ҳам қўл меҳнатини қисқартириб, пахтачиларни комплекс механизациялаштиришнинг синиб кўрибгача қилишда. Машина терими иш унумдорлигини кун сайин оширяпти. Биринчи декадада кунига 8—9 процентдан пахта топишди.

Дарҳақиқат совхозда механизациялаштиришга кенг эътибор бериляпти. Хўжалик дoларидида кўпдан бoш Урта Осиё машина синаш станциясининг илмий қодимлари пахтакорлар билан ҳамкорликда иш олиб бoришди. Жорий этиляётган илгор техника

ютуқлари киёбий самаралар бермоқда. Масалан, совхозда аниқ ҳисоб билан ишгит қилиш туфайли янана қилинмайдиган. Бу йил ҳар гектарда 137 мингта ақин бўлиқ гўза қўнати парварш қилинди. Ҳозир ҳам мутахассислар совхоз пахтазорларида янги ма-

ОРДЕНЛИ ХЎЖАЛИКДА

шиналарни синодан ўтказишмоқда.

Бутлур хўжалик пахтакорлари гектаридан 42,3 центнердан ҳосил кўтаришди. Бундан уларга қудратли техника мададор бўлди. Бу йилги давлат плани 37,8 центнер қилиб белгиланган эди. Ахил коллектив ҳосил кўниги чамаляб кўриб, совхоз бўйича гектаридан 45 центнердан ҳосил олиш ва унинг асосий қисминини терим машиналари ёрдамида янгиштириб олишга сўз бердилар. Мустафо Падиев бошлик

машъал бригадаси эса 152 гектар ернинг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтаришга ахд қилган. Республикада хизмат кўрсатган пахтакор Алима Айбoев бошлик бўлимининг «оқ олтин» усталарга етказилди, пландаги 3281 тонна пахтадан 2580 тонна

лик бўлиминининг мусобақа туфайли қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли бўляпти. Механизаторлар ўртасида илгорлигини ағгалаш учун қизғин кураш бoриляпти. Дондoр механизатор Абдусамд Суляймонов билан «Социалистик меҳнат» Ҳакрамон Зайинов Алмев мавсумда 200 тонна пахта териш учун ўзaro мусобақалашгандар. Ҳар иккала «пўлат от» суворисини бир-бириндан орда қолмай, хирмонга баракали хисса қўнишмоқда. Зайинов Алмевнинг звеноси эса биринчилар қаторида ғалаба рапортига имзо чекди. Ҳозиргача гектаридан 55 центнердан «оқ олтин» топишган бу коллектив ҳосилдорлигини ошириш учун бутун имкониятлардан самарали фойдаланмоқда.

«Орденли хўжаликнинг сакхиди далаларида жўшқин хавт қайналяпти. Ўрт бойлиги, ифтихори — пахта ҳосиллигини тақдир қудратли техника жиповкорларининг, азамат пахтакорларнинг, фидокорона меҳнати билан ҳал қилинляпти. Давлат планини муваффақиятли бажарган сўзи билан иш бир совхоз ахли шу кунгача 17 минг тоннадан зиёд пахта топишди.

А. БОБОБЕКОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус муҳбири.

